



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЪЗОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАХРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-
ПАЖӢҲИШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



МАВОДИ

анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича

MATERIALS

scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich

Панҷакент - 2021

МАВОДИ анчумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович – Панҷакент, 2021. – 884 с.

Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:

Ансорӣ М.Қ. – раис, Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Петрусеевич А.А., Эркинов А. С., Пулатов М.Э., (Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Х. (муовини раис ва котиби масъул), Абдуллоев Ш. У., Мақсудов З.О., Ансорӣ М.М., Комилов А., Исроилов С., Худойназаров М., Сирочзода Ф., Салихов Н., Турсунов Н., Ғаффоров Ш. С. Холиқова Р.Э. Эшов Б.(Ўзбекистон)

Муқарризон:

Қурбонов Ш., номзади улуми таърих, профессор (Тоҷикистон)
Турсунов С. доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)
Холиқова Р., доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор наомаданаҷ мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always coincide with the opinion of the authors. Authors are responsible for the reliability of citations and references, the scientific level, and the style of articles.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчаласаи № 10 аз 28 декабри соли 2021).

© ДОТП, “Паёми донишкада”, “Анвори илм”,
“Тафаккури таърих” соли 2021.

далил ҳисобланади. Бу ҳолат қадим чорвадор аҳолининг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган диний ва касбкорлик анъаналарининг эътиқодий қарашларини сақлаб келган ноёб хазинасидир.

МАНҒИТЛАР ДАВРИДА БУХОРОДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Мақсуд Бешимов – Бухоро (Ўзбекистон)

Маданий жараёнларнинг бир йўналиши бўлмиш меъморчилик тарих, санъат, ижтимоий воқеалар натижаси, давр маърифати ва билимлар даражасини ифода этади. XIX асрда Ўрта Осиё хонликларида архитектура иншоотлари турлари янада такомиллашди. Бунинг натижасида кўплаб жамоат бинолари, жумладан, карвонсаройлар, кўприк, сардоба, ҳаммом, савдо расталари қурила бошлади, Монументал биноларнинг тархи, қиёфасида ўзгартишлар юз берди. Монументал архитектурада, бир томондан аввал ишлаб чиқилган композицион схемалар изидан бориш, иккинчи томондан эса маҳаллий ўзига хосликнинг намоён бўлиши, кўзга ташланади.

Амир Ҳайдар ҳукмронлик қилган даврда Бухорода Чор минос - Халифа Ниёзқул мадрасаси (1807), масжидлар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қурилди, Халифа Худойдод мажмуаси қурилиши давом эттирилган. Бухорода Амир Ҳайдар онасига атаб махсус мадраса, Қаршида Али мадрасаси ва Мир Муҳаммад мадрасасини ҳам қурдирган. Чор Минос ёдгорлигига тўхталиб ўтадиган бўлсак: Чор Минос мадрасасини туркман Халифа Ниёзқул 1807 йилда қурдирган. Тўғри тўртбурчакли ҳовли атрофида бир қаватли устун айвонли хоналар жойлаштирилган. Жануби - ғарб томонидаги бурчакда синчли масжид қаватли бўлиб, пастки қавати мадрасага кириш учун йўлак вазифасини бажарса, тепадаги иккинчи қават кутубхона бўлган. Чор Минос содда архитектураси ҳамда ажойиб композицияси билан XIX аср меъморчилигида оригинал кўринишга эгадир. Аҳмад Донишнинг ёзишича, Амир Ҳайдар ҳукмронлик қилган даврда Бухорода илм-фан, хусусан, тарих ва ислом илмлари ривожланган. Амир Ҳайдар мадрасаларда таҳсил олиб бориш учун Истанбул, Кобул ва бошқа шаҳарлардан кўплаб қўлзма китобларни олиб келишни буюрган. Унинг ўзи мунтазам равишда сабоқ берган, мадрасаларда дарс ўтган. Амир Ҳайдар «ал-Фавоид ал-алфия» номли фикҳнинг ханафия мазҳабига оид асар ҳам ёзган.

Манғит ҳукмдорлари мамлакатнинг ободончилик ишларига ҳам катта эътибор қаратганлар. Амир Насрулло томонидан ва унинг даврида Бухорода Қози Ҳасанхўжа, Олимжонбой, Эшон Пир, Мирзо Убайд, Модорихон, Исмоилхўжа (1829) Алий Чўбин, Мирзо Абдулғаффор, Тожиддин мадрасалари (1860) қурилди, Халифа Худойдод меъморий мажмуасининг қурилиши якунланди (1855). Амир Абдулаҳадхон мамлакат ҳаётини яхшилаш мақсадида бирқатор ислохотлар ўтказган: савдо-сотиқ ишларига қулай шарт-шароитлар яратиб берган, қорақўл тери савдоси ривожлантирилган, амирлик ҳудудида эрости фойдали қазилмалари: мис, темир, олтин қазиб олиниши йўлга қўйилиб, кончилик ривожлантирилган. Шаҳардаги ободончилик ишларига ҳомийлик қилган, савдо тоқлари таъмирланган, Янги Бухоро (Когон), Ялта, Железноводск шаҳарларида саройлар барпо этирилган.

Бухоро амирлигида XIX аср ўрталарида меморчиликда турар жойлар архитектурасида маҳаллий услублар шаклланди. XIX асрда монументал биноларнинг, айниқса ички қисмларини кошин, тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги билан безатилган. Наққошликда айниқса ислимий нақши ривож топган. Бухоро амирлигининг Россия

протекторатига айлантирилиши маҳаллий меморчиликда рус услублари таъсирини кучайтирган¹. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Бухоро ва Хива меъморчилигида бинолар конструкциялари янада такомиллаштирилган. Жоме масжидлари сарой типига серҳашам қилиб барпо этилган, гузар-маҳалла масжидлари қишлоқ ва ёзлик катта айвонли қилиб қурилган.

Бу даврда Бухорода бунёд этилган обидалардан бири Ситораи Моҳи Хосса (форсча-юлдуз ой макони) – Бухородан 4 км шимолда жойлашган манғит сулоласи вакиллари томонидан бунёд этилган сарой-боғ Ситораи Моҳи Хосса саройи икки қисмдан, яъни эски ва янги сарой ҳамда ғишт тўшалган 3 ҳовлидан иборат. Эски сарой Бухоро турар жойлари руҳида барпо этилган бир - икки қаватли уйлардан иборат. Анъанавий уч қисми комплекс бўлиб, ундаги дастлабки бинолар Насруллоҳон (1826–1860) ва Музаффархон (1860–1885) ҳукмронлиги даврида қурилган. Абулаҳадхон (1885–1910) томонидан эса 1892-йилда қурилиш якунланиб, сарой ва боғ барпо этилади. Эски сарой бир қанча вақт Россияда рус меъморлари иши билан танишган уста Ҳожи Ҳофиз бошлиқ Бухоро меъморлари томонидан қурилган бўлиб, шу туфайли Эски сарой тарихида Европа меъморчилигининг элементларини ҳам кузатиш мумкин.

Эски саройнинг шарқида Амир Саййид Олимхон ҳукмронлиги (1910–1920) даврида Янги сарой барпо этилган. Бир қаватли бўлган ушбу сарой “Т” шаклида қурилган. Янги сарой бир қатор бинолар - оқсарой, ойнаванд айвон, кутиш хонаси, амирнинг қабулхонаси, ҳарам, масжид, хазина, ҳайвонотхона ва бошқа хўжалик хоналаридан иборат. Янги сарой Европа ва маҳаллий анъанавий меъморчилигининг аралашмасидан иборат бўлиб, кўпгина хоналар рус муҳандислари Сакович ва Маргулислар раҳбарлигида бунёд этилган. Фақатгина 1912–1914-йилларда қурилган қабулхона ва оқсарой бинолари Бухоро усталари томонидан бунёд этилган.

Амир қабулхонаси даҳлизи деворлари тўлиқ ганчли нақшлар билан безатилган. Хонанинг деворларидаги гулдон ва гуллар шакли уста Хасанжон томонидан ишланган. Қабулхонадан оқсарой хонасига ўтилиб, ушбу хона икки йил давомида машҳур меъмор уста Ширин Муродов раҳбарлигида (25-30 киши) қурилиб пардозланган. Оқсаройнинг кўзгуларидан иборат деворига шарқнинг жимжимдор нафис нақшлари жозибадор гуллари оппоқ ганч билан ишланган. Сарой Манғитлар даври архитектурасининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб ҳисобланади

XIX аср охири – XX аср бошларида Мир Араб мадрасаси ёнида, Пойи Калон ансамбли таркибида Амир Олимхон мадрасаси бунёд этилди. Мадрасанинг пештоқли дарвозасидан ичкарига кирилади. Мадраса икки қаватли, тўртбурчак шаклдаги хужралар билан ўралган. Катта хонаси гумбазли том билан ёпилган.

Манғитлар даври ёдгорликларидан яна бири бу Болоҳовуз масжидидир. Унинг рўпарасида XX асрда бухоролик уста Қурбон Йўлдошев баланд айвон солдиради. Уста Ширин Муродов эса кичик минора тиклайди. Нафис нақшлар айвон шифтининг авайлаб сақлаб келинишини таъминлаган. Ансамбл ўзининг бадиий нафосати билан Регистон майдонининг таркибий қисмига айланган. Болоҳовуз масжиди ҳозирги кунгача Регистон майдонида сақланиб қолинган ягона ёдгорликдир.

Манғитлар даврида ижод қилган шоирлар, Бухоро адабий муҳити тўғрисида сўз кетганда Мирзо Содиқ Мунший, Муҳаммад Шариф Осиф, Жунайдулло Ҳозиқ, Ансаб Бухорий, Фитрат Вардонзеҳий, МужримОбид, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ, Шамсуддин Шоҳин, Ожиз, Аҳмад Дониш, Мирзо Сомий, Саҳбо, Шарифжон Махдум кабиларни алоҳида эътироф этиш жоиз. Мирзо Содиқ Муншийнинг илмий-адабий меросида “Оҳугир ва Хайробод туманларига саёҳат”, “Қисмат”, “Дахмаи шоҳон” дostonлари бош ўринни эгаллайди. Аштархоний ҳукмдорларининг фаолиятдан баҳс юритувчи Дахмаи шоҳон” назмий асарида ҳар бир ҳукмдорнинг ўз тилидан унинг

фаолиятига баҳо берилади. Ҳаётлик даврида қилган яхши-ёмон ишлари, ҳатто пушаймонлари назмий баён усулида чиройли ифода қилиб берилади.

Фойдаланилган адабитёлар:

1. Beshimov Maqsud. XX asr boshlari Buxorodagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatning tarixiy adabiyotlarda bayoni. // Buxoro tarixi masalalari mavzuidagi Respublika ilmiy-amaliy (onlayn) konferensiyasi materiallari: – Buxoro-2021. 258-263
2. Beshimov M.K. Beruniy “qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar” asarining ahamiyati. // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi 2021-7: 174-176
3. Beshimov M. Tarix ўқитиш методлари ва уларнинг туркумланиши. // Zamonaviy tarix fani metodologiyasining dolzarb muammolari mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari 2021-yil 24-mart: 269-271
4. Beshimov Maqsud. Buxoro bozorlari. // – panjakent-2021. treasury of science/bulletin of the institute, 2021, No. 2.: 100-102

СУРХОН ВОҲАСИ ЁҚИЛҒИ ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУИ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Ситора Рўзимаҳматовна Бобоева
Термиз давлат университети (Ўзбекистон)

Аннотация: Мақолада, Сурхон воҳаси ёқилғи энергетика мажмуи тарихи, совет ҳокимиятининг электрлаштириши бўйича олиб борган ишлари, қабул қилган расмий ҳужжатлари, архив жамғармалари ва статистик материаллари таҳлили ёритилган. Жаҳон иқтисодий муносабатлари янги ривожланиши йўналишларини танлаб, шу асосда туб ўзгаришларни бошлаган бир даврда мустамлака Туркистондаги зиддиятли вазият техник янгилиниларни ўз вақтида ўзлаштиришига, уларни ўлка саноатига жорий этишининг кенг миқёсдаги чора-тадбирларини амалга оширишига имкон бермас эди. Туркистон ўлкасини электрлаштириши жараёни ҳам худди шундай мураккаб тарихий воқеликни бошдан кечириб, дастлаб мустамлака, кейинчалик советлар бошқаруви даврида ҳам чекка ўлка сифатида марказий ҳудудлардаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларидан анча ортда қолди.

Калит сўзлар. Термиз, Паттакесар, Шеробод, Бойсун, Нефть, Ховдак, Шарғун, Электростанция, Сурхон электросеть, Середаз, Ворошилов Қумқўрғон ГЭС.

Бугун Ўзбекистонда ёқилғи саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 5 та нефтгазли (Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона) ва 4 та нефть ва газга истиқболли (Хоразм, Ўрта-Сирдарё, Марказий-Қизилқум ва Зарафшон) минтақалар ажратилган ва уларда 270 та нефть ва газ конлари очилган бўлиб 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тарифлари 5,8 фоизга ошди (ўртача ойлик ўсиш 0,6 фоиз). Ишлаб чиқариш саноати нархлари 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача ўсиш 2,1 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг мос даврида эса 1,2 фоиз) [1].

Агар Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 йилда ишга тушган бўлса, уни бошқарувчи ташкилотлар (Ўзбек нефть 1936 йилда) трестлари ташкил этилди. Сурхондарёда 9 та нефть кони фаолият юритди [2].

МАСОЛИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРЙ ВА МАНБАЪШИНОСИИ ТАЪРИХИ ХАЛҚҲОИ ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВСРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA

26.	Ашрапов Б.П.	КОРБУРД ВА ВЕЖАГИҲОИ САРФИИ ПЕШВАНДҲОИ СИФАТСОЗ ДАР ЗАБОНИ АДАБИИ ТОЧИКИИ ҚАРНИ XVIII (ДАР МИСОЛИ «ТЎҲФАТ-УЛ-ХОНӢ»)	89
27.	Ашрапов Б.П.,	ТАҲЛИЛИ ҚИЁСИИ ВЕЖАГИҲОИ САРФИИ ЧАМБЎЛЧАМЪ ДАР ЗАБОНИ АДАБИИ ТОЧИКИИ ҚАРНҲОИ XVIII ва XX	98
28.	Bo'riyev Namraqu Qormishevich Aliyev Vaxtiyor Xujayorovich	QASHQADARYO VILOYATIDAGI SUV EKOTIZIMLARI GIDROBIONTLARINI TARQALISHI VA EKOLOGIK XILMA-XILLIGI	101
29.	Вақоуев Уmidjon	БУХОРО АМИРИ НАҲДАРНИНГ ТА'ЛИМ ШОНАСИДАГИ ISLOHOTLARI	104
30.	Бобоев Юсуф Абдулхатович	«КИТОБ ТАҲДИД НИҲОЁТ-ИЛ-АМОКИН ЛИ ТАСҲЕҲ МАСОФОТ-ИЛ-МАСОКИН» - АБУРАЙҲОНИ БЕРУНӢ ВА АҲАМИЯТИ ОН БАРОИ ОМУЗИШИ ТАЪРИХИ ИЛИМ	109
31.	Бобоева Зарнигор	ШЕВАИ ТАЪЛИМИ БОСАЛОҲИЯТИ ШАРҲИ ҲОЛИ ЧОМӢ ДАР КУРСИ ХОНИШИ АДАБИ	114
32.	Бурхонов С.	УНСУРМААЛИ КАЙКАВУС О СУЛТАНЕ МАХМУДЕ ГАЗНАВИ	119
33.	Ботиров Мирзабахром Абдуқаҳҳорович,	РУС ШАРҚШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН ХОЖА АХРОР ВАЛИЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ	122
34.	Буҳоваддинова Тавҳидахон	ТАЪСИРИ “МАСНАВИИ МАЪНАВИ”-И ЧАЛОЛИДДИНИ РУМӢ БА АДАБИЁТИ АРАБ	126
35.	Бегалиева Меҳринисо Олимназаровна	СУРҲОН ВОҲАСИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА “ТУРКЕСТАНСКИЙ СБОРНИК” НИНГ ЎРНИ	128
36.	Бердиев Х. А., Тошмуродов Р.С.	ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРДА ЧОРВА КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ (Зангиота зиёратгоҳи мисолида)	132
37.	Бешимов Мақсуд	МАНГИТЛАР ДАВРИДА БУХОРОДА МАДАНИЙ ҲАЁТ	134
38.	Бобоева Ситора Рӯзимаҳматовна	СУРҲОН ВОҲАСИ ЁҚИЛҒИ ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУИ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ	136
39.	Бобочонова Д.Б. –	ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ВАБОИ АСР	139